RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 13 iyun • № 24 (3705)

## ЁШЛАР — ВАТАН КУЙЧИСИ

**Мана саккиз йилдирки, мамлакатимизда ҳар йили “Ўзбекистон — Ватаним маним” руҳидаги қўшиқлар байрами ўтказиб келинмоқда. Куни кеча ушбу байрамнинг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари бўйича ўтказилган кўрик-танлови якунланди.**

Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган ушбу анъанавий республика қўшиқ байрамининг мазкур босқичи Ўзбек Миллий академик театри биносида бўлиб ўтди. Унда вазирлик тасарруфидаги барча олий ўқув юртларидан саралаб олинган 32 бадиий жамоа қатнашиб, мустақиллик ва озод Ватанни тараннум этувчи, ёшларни миллий ғоямиз ва миллий мафкурамиз руҳида тарбиялашга ҳисса қўшувчи янги қўшиқларини ҳакамлар эътиборига ҳавола этдилар. Талабалар тайёрлаб келган бир-биридан ажойиб ва ранг-баранг қўшиқлар санъаткорлар ва ижодкорлар томонидан юксак баҳоланди.

Ўзбекистон Миллий университетининг хор жамоаси таниқли шоир Сирожиддин Саййид шеърига Ойдин Абдуллаева басталаган мусиқа асосидаги “Ватан абадий” ҳамда Қорақалпоқ давлат университети бадиий жамоаси О.Султонов шеъри, Қ.Ҳилолов мусиқаси асосидаги “Ватаним” қўшиқларини ижро этиб, кўрик-танловнинг биринчи мукофотини қўлга киритдилар.

Тошкент давлат техника университетининг “Муҳандис” бадиий жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев шеъри ва Дилбар Қодирова мусиқаси билан айтилган “Олтин ёшлик алёри”, Самарқанд давлат университетининг “Гулдаста” жамоаси “Меҳр гуллари” қўшиғи (Н.Нарзуллаев шеъри, Ф.Алимов мусиқаси), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг бадиий жамоаси “Ватан дилдаги қуёш” (Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов шеъри, А. Исохўжаев мусиқаси) қўшиғи учун иккинчи мукофотга сазовор бўлдилар.

Учинчи ўрин Тошкент давлат педагогика университетининг хор жамоаси, Қарши давлат университетининг “Насаф тароналари” жамоаси, Бухоро давлат университети ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бадиий жамоаларига насиб этди.

Ғолибларга мукофотларни Олий ва ўрта махсус таълим вазири Сайидаҳрор Ғуломов топширди. Яна бир қанча олий ўқув юртларининг бадиий жамоалари республика қўшиқ байрамига тайёрлаб келган Ватанимиз қудрати ва салоҳиятини, пок виждон ва иймон-эътиқодни, улуғ бунёдкор меҳнатни тараннум этувчи энг сара қўшиқлари учун Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси, “Улуғбек” жамғармаси ҳамда “Камолат” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг рағбатлантирувчи ва махсус мукофотлари, қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлдилар.

**Ҳулкар МАМИТОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

## БАРКАМОЛ АВЛОД — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ











Кеча Андижон шаҳрида “Баркамол авлод — 2003” спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Миллатимиз ёшларини жисмоний ва маънавий комилликка етакловчи ушбу спорт мусобақаларини барча-барчамиз катта қизиқиш билан кузатиб бордик. Спорт ўйинлари Андижон вилоятида қад ростлаган кўпгина спорт иншоотларида давом этди. Бир ҳафта мобайнида академик лицей ва коллеж йигит-қизларининг шижоати ва маҳорати зўр синовдан ўтди.

Олимпия заҳиралари спорт коллежи ўйингоҳига минглаб мезбону меҳмонлар — турли вилоятлардан келиб маҳоратларини намойиш этган ёшлар ва уларнинг устозлари, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар. Мухлисларнинг шодон қийқириғи остида майдон марказига “Баркамол авлод — 2003” спорт мусобақасининг 14 тури бўйича иштирок этган жамоалар кириб келишди. Шундан сўнг ҳар томонлама иқтидорини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритган жамоалар номи эълон қилинди. Унга кўра, “Баркамол авлод — 2003” спорт ўйинларининг биринчи поғонасини мезбонлар, иккинчи ва учинчи ўринларни Тошкент ва Фарғона вилоятидан келган спортчи ёшлар эгаллади. Президентимизнинг “Баркамол авлод — 2003” спорт ўйинлари иштирокчиларига табригининг асл нусхаси ва “Матиз” автомобили андижонлик ёш спортчиларга берилди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига “Дамас” ва “Тико” машиналари насиб этди.

Мазкур мусобақанинг навбатдаги ўйинлари эса Тошкент вилоятида ўтказилади.

**Суратларда: “Баркамол авлод — 2003” спорт ўйинларининг ёпилиш маросимидан лавҳалар.** *Ш.Олимов, М.Қодиров (ЎзА) олган суратлар.*

## МИЛЛАТНИНГ АСОСИЙ БОЙЛИГИ

**○ ДЕҲҚОНКИ, ДОНА СОЧАР... ○ МУҲАББАТ ХИЁБОНИ ○ БАХТНИНГ ОНАСИ РУҲГА ЭГАЛИКДИР**

Бу йил кўклам серёғин келди. Майнинг охири бўлишига қарамай, Самарқанд — Қарши йўлининг икки чети қизғалдоқ. Ҳатто эрта баҳорда гуллаб, узоқ турмайдиган майин ҳидли қўзигуллар ҳам кўзга ташланиб қолади. Чақиртиканак боғлаган исмалоқларнинг тикани энди қота бошлабди. Карраклар ҳали куч олмабди. Демак, чўлда баҳор давом этаяпти.

Ўнг қўлда зиғир экилган, чапда энди бизда урф бўла бошлаган ёғбоп масхар далалари. Ниҳоят, ғаллазор кўринди. – Ризқимиз! “Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар”,— лутф қиладилар ҳазрат Навоий. Чиндан ҳам инсон ҳаётининг биринчи омили – нон. Ғаллага ўроқ тушиши – байрам. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаоқ ғалла мустақиллигига алоҳида эътибор берилганлиги бежиз эмас. Эрта тонг шабадасида солланаётган, эндигина учлари сарғая бошлаган бошоқларни кўриб, кўнглимиз ўсади. Олис уфққа бош қўйганча ястаниб, эринчак чайқалаётган буғдойзордан қалбингиз яшнайди. Ардоқли шоиримизга қўшилиб, “Халқим, насибанг бутун бўлсин!” деймиз.

Тўғри, ноннинг ўзи билан иш битмайди. Пахта керак. Пилла керак. Мева-чева керак. Кеч баҳордаги тинимсиз ёғин эса, бир нарсага фойда бўлса, иккинчисига зиён. Телевидение гоҳо жала қотириб қатқалоқ қилиб ташлаган далаларни, дўл урган ғўза ниҳолларини кўрсатиб қолади. Юраклар эзилади. Деҳқоннинг меҳнатига ачинасан. Лекин на чора? Қўлни қовуштириб ўтириб бўлмайди. Ишлаш керак. Курашиш керак. Кураш борки, ҳаёт бор. Қолаверса, ҳаёт деганининг ўзи ҳам бир келиб, ўйнаб кетадиган давра эмас. Ўзининг кимлигини кўрсатиб кетадиган давра. Нега ундан у қолди, бундан бу қолди, дейдилар. Ҳар бир гапнинг тагида бир дунё мазмун бор. У ёғини сўрасангиз, дунёга келиб кетишнинг ўзи бир ҳикмат, имтиҳон...

У ёғини сўрасангиз, мана яқин ўн икки йилдирки, бутун Ўзбекистон имтиҳонда келади. Ким қувониб, ким қизғаниб, ким ҳавас билан, ким ҳасад билан, лекин синчиклаб кузатиб келади. “Яхши томонларимизни ошириб, ёмон томонларимизни яшириб”, чарчаганимизда “Ҳорма!” дейдиган куюнчак дўстлар бўлганидек, “хато қилишингни кутадиган”, игнадай нуқсонни топса, аждаҳо қилиб кўрсатадиган “дўстлар” ҳам етарлик. Улар пашшадан фил ясашнинг ҳавосини олганлар. Худо кўрсатмасин, жиндай қоқилиб кетсанг, “Айтмовдимми!” дея бутун дунёга бонг урадилар...

Лекин сирасини айтганда иш ҳам кўп. Улардан энг муҳими, балки энг оғири тафаккурни янгилаш, фикр-қарашларни янгилашдир. Чинакам янги авлодни етказишдир. Авлодки, қалби тонгги шабнамдек покиза, ўй-хаёллари чарақлаган қуёшдек ёруғ, Ватан ва Миллатни дунёдаги бор нарсалардан муқаддас тутгувчи. Нони ҳалол, иши ҳалол. Буюк шоиримиз айтмоқчи “Ўзи поку кўзи поку сўзи пок...”

Қарши-Шаҳрисабз йўлида Тоҳир-Зуҳра мажмуаси бор. Бир вақтлар бу ерлар чангалзор бўлган. Оғир жой, дейишарди, кексалар. Шофёрлар ҳам шу ерга келганда, ҳушёр тортишаркан. Негаки, бу ерга муродига етолмай кетган бахтсиз ошиқлар қўйилган. Уларнинг нотинч руҳи чирқиллаб кезиб юради, дер эдилар.

Чиндан ҳам дунё муҳаббат асосига қурилган. Бир-бирини севган-сева олган ёшлар бахтли инсонлардир. Ўткинчи ҳиссий туйғулардан баланд келмоқ, муносабатларни ўзаро ҳурмат, маслак ва интилишлар, қарашлар ва ахлоқий принсиплар асосига қурмоқ инсонийликнинг биринчи белгиларидир. Севмоқ маълум даражада олижанобликдир, ўз ҳузур-ҳаловати ва манфаатларидан ўзганинг хоҳиш–иродасини устун билмоқдир. Севмоқ фидойиликдир, севги йўлидаги машаққат ва қийинчиликларга чидамоқдир. Севги буюк мураббийдир. У инсонни чинакам инсон қилади. У шоирларимиз таърифлаганларидек, шундай бир ўтки, вужуддаги барча ўткинчи нарсаларни куйдириб, асл борлиғинигина сақлаб қолади...

1989 йилда Қашқадарё вилоятининг ўша пайтдаги раҳбари жуда катта жасорат кўрсатиб, бу ерда “Тоҳир Зуҳра” мажмуасини тиклатди. Халқнинг кўнглида келган армонни амалга оширди. Бир томондан, тилдан-тилга ўтиб, халқимизнинг маънавий тарбиясида буюк рол ўйнаб келаётган фожиавий ишқ қиссасини жонли ва таъсирчан лавҳаларда муҳрланиб қолишига, иккинчи томондан эса авлодларни ота-боболаримизнинг олижаноб ҳис-туйғулари билан таништиришга имкон яратди.

Дарҳақиқат, янги авлодни камолга етказмоқ учун янги хислатларни “ясаш” керак эмас. Аждодларимизда улар етарлича бор. Лекин бунинг учун уларни таниш керак, билиш керак, ниҳоят ўрганиш керак. “Тоҳир Зуҳра” мажмуасига назар ташлаймиз. Рўпарада 6-7 минг йиллик тарихга эга бўлган, ҳазрат Навоийга илҳом берган Сийпантош. Сўлда 2700 йиллик Шаҳрисабз – Соҳибқироннинг киндик қони тўкилган ва асрлар давомида не-не салтанатларнинг қибласига айланган даргоҳ. Ўнгда ўз хизматлари, феъл-сажиялари билан ислом дунёсини ҳалиҳануз ҳайратга солиб келаётган насафийлар, каспавийлар...

Аждодларимиз давлат юритишнингтина эмас, яшаш, ўзаро муомала–муносабат тартиб-қоидаларига оид ўнлаб китоблар яратганлар. Юсуф Хос Ҳожиб бундан салкам минг йил муқаддам ёзган “Қутадғу билиг” асарида уйланиш қоидаларигача бирмабир баён қилган эди. Навоий замонасида дастурхон атрофида ўтиришнинг ўттизга яқин одоби бўлган...

**Давоми иккинчи бетда.**

## ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Ҳар қандай жамиятнинг келажагини баркамол фарзандлари белгилайди. Президентимиз “Илм-зиё салоҳияти бу — халқнинг, Ватаннинг улкан бойлиги, келажак пойдеворидир”, — деб бежиз айтмаганлар.

Ўзбекистон санъати тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган даргоҳлардан бири — республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатидир. Бу даргоҳ Ўзбекистон Бадиий академияси таъсис этилгач, унинг тасарруфида янгидан бунёд бўлди.

Лицейнинг ўқув жараёни бадиий, мусиқий ва умумтаълим йўналишларида олиб борилади. Бадиий бўлимда тасвирий санъатнинг турли соҳалари: классик рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, миллий амалий санъат турлари — наққошлик, кулолчилик ва лак миниатюраси бўйича сабоқ берилади. Бу ерда қалби шижоатга тўла, ташаббус ва меҳрга бой олий малакали ўқитувчилар дарс беришади. Улар тарбия берган ва вояга етказган ёш мусаввирлар хорижий мамлакатларда ўтказилаётган танловларда иштирок этиб, фахрли совринларга эга бўлишмоқда. Камол Бобоев, Нигора Мирсолиҳова, Бобур Раҳмонов, Надежда Куприянова каби ёш истеъдодлар шулар жумласидандир.

Япония, Ҳиндистон, Чехия, Россия, Швейцария, Миср, Италия каби мамлакатларда ўтказилган халқаро танловларнинг йигирмадан ортиқ совриндорлари шу лицей ўқувчилари.

Ўтган йили Суздада “Янги номлар” халқаро хайрия жамғармасининг анъанавий ёзги ижодий мактабида республикамиздан Фазлиддин Икромов, Борис Седишев ва Нигора Мирсолиҳовалар қатнашиб, ЮНЕСКО дипломлари ва тасвирий санъат бўйича устоз синфини ўтаганлиги тўғрисида гувоҳномаларни қўлга киритишди.

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида лицей ўқувчиларининг йиллик ҳисобот концерти бўлди. Концертда Европа ва замонавий куйлар билан бир қаторда миллий мумтоз куйлар ҳам ижро этилди. Фортепианода Мавлуда Пардаева, Нилуфар Собитова, ғижжакда Самад Анваров, дуторда Дилноза Қосимовалар ижро этган куйлар айниқса, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

**Фаррух РАСУЛОВ**

## ШОИР ҚАЛАМИДАН ТЎКИЛГАН ТУЙҒУЛАР

АКС-САДО

*Тўра Сулаймон. "Мамлакатнинг таянч нуқтаси ёхуд Одам Атодан қолган касб", "ЎзАС", 2003 йил 6 июн.*

Мен севимли шоиримиз Тўра Сулаймонни сўнгги йилларда очерканавис, мақоланавис ва бадианавис сифатида ҳам кашф этдим. Бу жанрларда ҳам Тўра ака шоирона туйғулару эҳтирослардан айро тушмайди: у ҳамишагидек тўлиб-тошиб фикрлайди, донишмандона ўйларга берилади.

Муаллифнинг "Мамлакатнинг таянч нуқтаси ёхуд Одам Атодан қолган касб" бадиаси бу гал ҳам шундай таассурот туғдирди: шоиримиз заминни, одамларни, ҳаётни қаттиқ севади. Ҳа, унинг қаҳрамонлари чинакам замондошларимизнинг бир тимсоли бўлиб, ижодкорнинг ўз қалбига маънавий жиҳатдан жуда-жуда яқиндир. Шунинг учун ҳам бадиада таъриф-тавсифи келтирилган сирдарёлик Мадихон Тиниқбоевни яхши кўриб қоласиз. У ўзлигини таниб, эли учун ўзини унутган, тўну кун ором билмайдиган, ўз даласини боғи эрамга алмаштирмайдиган деҳқон-фермер.

Мен Мадихоннинг инсоний фазилатлари билан ошно бўларканман, газета саҳифасидан гўёки даланинг хушёқим насими эсгандай бўлди. Балки, бу — бежиз эмасдир. Чунки Мадихон реза тер тўккан дашту далалар ўзимнинг жонажон қишлоғимни эслатди. Фақат, бугина эмас. Мен Мадихон билан муқояса қилса бўладиган одамимни ҳам ўзим яшайдиган маъводан топдим. Қишлоғимиз энг йирик сулоласининг бир вакили бўлмиш Назим полвон вақтида қўша-қўша нишонларга сазовор бригадир бўлиб, элу юртга донг таратган. Эндиликда у меҳнат фахрийси, лекин ҳамон меҳнатга эш: фермер ўғилларига бош-қош...

Хуллас, мен тилга олган бадиа учун муаллифга миннатдорлик изҳор қиларканман, газета саҳифаларида берилаётган яхши шеърлар, ҳикоялар, адабий мақолалар қаторида ана шундай очерку бадиаларни бундан кейин ҳам ўқиб боришимга умид боғлайман.

**Олим ЁВҚОЧАРОВ,**
**Китоб туманидаги**
**Олақўйлик қишлоғи**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Анъанага айланган республика қўшиқ байрамининг бу йилги мавсуми ҳам юқори савияда ўтмоқда. "Ўзбекистон — Ватаним маним" деб номланган бу қўшиқ байрамининг Тошкент шаҳар кўрик-танлови шундан далолат берди. Танлов сўнгида моҳир қўшиқчилар аниқланди. Биринчи ўринга Сирғали туманидан Шаҳноза Одилова сазовор бўлди. Иккита иккинчи ўрин Т.Содиқов номидаги шаҳар маданият уйидан Баҳодир Инановга ва Шайхонтоҳур туманидан "Настарин" эстрада гуруҳига, учта учинчи ўрин Юнусобод туманидан Замира Ориповага, Мирзо Улуғбек туманидан Нигина Норқўзиевага ҳамда Ҳамза туманидан Ҳамидулло Имомназаровларга насиб этди.

**Гуларо АБДУЛЛАЕВА**

* * *

"Меҳрибонлик уйлари" тарбияланувчилари ўртасида "Камалак жилоси" деб номланган суратлар кўргазма-танлови бўлиб ўтди. Бадиий академия, замонавий санъат маркази, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ҳамкорлигида ўтган бу кўргазмада болаларнинг 250 га яқин суратлари намойиш этилди. Республикамизнинг турли вилоятларидаги "Меҳрибонлик уйлари"да тарбияланаётган ёш истеъдодлар ўзларининг манзара асарлари, каштачилик намуналари, ҳар хил эртаклар қаҳрамонларини акс эттирган ўйинчоқларини тақдим қилганлар.

6-12 ёшлилар орасида И.Шевченко (Тошкент), 13-17 ёшлилар орасида Д.Фотиҳов (Тошкент вилояти) ҳамда амалий санъат бўйича Ш.Худоёров (Самарқанд вилояти) биринчи ўринни эгалладилар.

**Ноилахон АШРАПОВА**

## "ТЎМАРИСНИ ЎЙНАСАМ ДЕЙМАН"



Саҳнага, томошабин ҳузурига чиқиш санъат аҳли учун ҳамиша имтиҳон: артистнинг кийинишидан тортиб, хатти-ҳаракатигача, қадди-бастию пардозигача томошабин кўзи ўнгида бўлади.

Гулбаҳор Мамедова томошабинларнинг нозик дидига мос саҳна маликаларидан бири, десак муболаға бўлмайди. У яратган роллар томошабинни ҳаяжонлантириб, юрагига ёруғлик олиб киради. Бунинг боиси Гулбаҳор бутун борлиғи билан ўйнайди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев "Гулбаҳор ўта меҳнатсевар, талабчан, изланувчан актриса", — деган эди у билан "Келинлар қўзғолони"ни саҳналаштириш чоғида.

Ўзбекистон халқ артисти Танаберди Қурбонов эса: "... Гулбаҳор моҳир санъаткор, Аллоҳ унга катта истеъдод берган, энг асосийси саҳнавий қалб — юрак берган. Гулбаҳорда саҳна дарди бор", — дея унинг истеъдодини муносиб баҳолаган.

...Гулбаҳор асли самарқандлик. Хўжа Саҳат маҳалласида ўсиб-улғайган.

— Болалигимдан саҳнага, театрга, киногa "ўч" эдим, — дейди у, — мактабимиз ва ҳудудимиздаги маданият уйи қошидаги драма тўгаракларининг энг фаол аъзоларидан бўлганман.

Гулбаҳор 1976 йилгача Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олди. Институтнинг "Ўқув театри"да Қиролича ("Ажал минораси" драмасида), Таня (А.Арбузовнинг "Таня" асари), Виринея ("Виринея") ва бошқа образларни яратди. Курсдоши (кейинчалик умр йўлдоши), қўқонлик Икромжон Хонимқулов билан бирга институт йўлланмаси билан Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон театри жамоаси сафига қўшилди.

Мана, чорак асрдан ошибдики, Гулбаҳор ҳам, Икромжон ҳам шу саҳнага садоқат билан хизмат қилишаётир. Тунда самога боқсангиз, ёлғиз юлдузга нисбатан, бир-бирига яқин бўлган юлдузларнинг шуъласи ёркинроқ нур таратаётганини кўрасиз. Гулбаҳор ва Икромжонни ўша қўш юлдузларга қиёслагим келади. Саҳна уларнинг тақдирларини чамбарчас боғлади. Бугунги кунда улар бахтиёр ота-она. Гулбаҳор Мамедова ва Икромжон Хонимқулов "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" фахрий унвонига сазовор бўлишган.



Г.Мамедова яратган образлар бир-бирини такрорламайди. Чўлпоннинг "Ёрқиной" драмасида Ёрқиной, А.Н.Островскийнинг "Гўзал эркак" пиесасида Зоя Василевна, Гелманнинг "Ҳамма билан ошкора" спектаклидаги Наташа, Имрон Қосумовнинг "Инсон меҳри" драмасида Олия... Айниқса, Уйғуннинг "Зебуннисо" драмасидаги шоира роли актрисанинг ижодий шуҳратини янада оширди, десак муболаға бўлмайди.

Зебуннисо ролида санъаткорнинг дарди томошабин қалбини ларзага солади. Воқеалар жараёни "Самарқанд ушшоғи" билан уйғунлашганда эса, шоира Зебуннисога томошабиннинг меҳри янада ортади. Гулбаҳорнинг маҳорати республикамиздан ташқарида ҳам олқишга сазовор бўлган.

Айниқса, жамоанинг Татаристон ва Бошқирдистон бўйлаб (1989 йил) сафари унинг учун муваффақиятли кечди. Театр бошқирд ва татар томошабинларига "Ой тутилган тунда" драмасини тухфа этди (Спектаклни Равшан Ёриев саҳналаштирган). Асар муаллифи — таниқли бошқирд адиби Мустай Карим каттақўрғонлик санъаткорларнинг Уфа шаҳридаги ижодий сафарига ҳамкорлик қилди. Мазкур спектаклдаги Шафақ образини моҳирона яратган Гулбаҳор Мамедова минглаб мухлислар орттириб қайтди.



Санъаткор изланишда.

— Шижоатли ўзбек аёллари тимсоли бўлмиш Тўмарис образини саҳнада гавдалантириш катта орзуим, — дейди у. — Шу куннинг руҳи, томошабин талабига ҳамоҳанг асарлар керак. Мени вилоятларимиздаги театрларнинг моддий-техник аҳволи ташвишлантиради. Масалан, бизнинг театр 1976 йилдан буён кўнгилдагидек таъмирланмаган. Қишда совуқ, томидан чакка томади. Иситиш воситалари ишламайди. Ёзда иссиқ, дим. Овоз кучайтириш, ёритиш воситалари эскирган. Бундай "қаровсиз томошагоҳга" томошабинни чорлаб бўладими? Умримиз "ғилдирак устида", қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар ўтаяпти.

Яқинда Маданият ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси, вилоят маданият бошқармаси раҳбарлари, мутахассислар театримиз фаолияти билан танишиб кетишди. Эшитишимча, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари биномиз таъмири учун маблағ ажратишаётган эканлар. Демак, насиб этса... ижодий ишимиз юришиб кетади, шароитимиз ҳам яхшиланади.

... Ҳа, Гулбаҳор Мамедова қадрдон театрининг эртанги кунини ўйлайди. У ҳамкасблари, саҳнадошларининг қувончу ташвишларига шерик. Гулбаҳор Каттақўрғон театрининг энг машҳур саҳна соҳибаси эканлигидан фахрланса арзийди.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ**

## ТАҚДИМОТ ВА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида адабиётшунос олим, университет профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси мудири Бегали Қосимовнинг "Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик" китоби тақдимоти ва муҳокамаси бўлди. Йиғилишни филология факултети декани, филология фанлари доктори Б.Каримов олиб борди. У йиғинни очар экан, факултет профессор-ўқитувчилари кейинги йилларида ўндан ортиқ илмий-адабий, методик асарлар, дарслик ва қўлланмалар нашр қилганликларини айтди. Айниқса, Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти кафедраси яхши ишлади. Бор-йўғи олти кишидан иборат кафедра бир ўқув йилида уч муҳим асарни эълон қилди, деди у.

Университет проректори Шавкат Отажонов сўзга чиқиб, профессор Бегали Қосимов китоби ғоят долзарб муаммога бағишланганлигини, олим жадид устозларимизнинг маърифатпарварлик ҳаракатларини мустақиллик ғояларини халққа сингдириш билан бирга олиб борганликларини ишонарли далиллар билан очиб берганлигини таъкидлади. Профессор Наим Каримов, академик Бахтиёр Назаров, жадидшунос олимлар — ЎзДЖТУ халқаро журналистика кафедраси мудири Бойбўта Дўстқораев, ЎзМУ доценти Улуғбек Долимов тадқиқотда Туркистон жадидчилигига оид далил ва маълумотлар илк бор тўпланиб, умумлаштирилгани, усули жадид мактаблари, жадид матбуоти, театри ва адабиёти анча теран тадқиқ этилгани, бу ҳаракатнинг улкан ижтимоий-сиёсий моҳияти очиб берилгани тўғрисида сўзладилар.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётининг синчков тадқиқотчиси профессор Шариф Юсуповнинг "Тарих ва адабиёт бўстони" китоби ҳам мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, доцент Нурбой Жабборов профессор Шариф Юсуповнинг мазкур давр адабий-тарихий фактларини қиёсий ўрганишда катта ишлар қилаётганлигини, XIX аср охиридаги Туркистон тарихи истиқлолимиз талаб-эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда Ватан ва миллат манфаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилаётганига диққатни қаратди. ЎзРФА Тил ва адабиёт институти ходими Олим Тўлабоев профессор Бегали Қосимов ва адабиётшунос олима Муқаддас Тожибоева томонидан биринчи маротаба нашрга тайёрланган Юсуф Сарёмийнинг "Танланган асарлари китоби" ҳақида сўз юритди. Ушбу нашр Юсуф Сарёмийнинг Муқимий, Фитрат каби забардаст шоирлар билан бир қаторда туришга ҳақли эканлигига ҳужжатдир, деди у.

Тақдимотда "Маънавият" нашриёти директори С.Аҳмедов сўзлади. Китобхонлар нашриётнинг етти йиллик фаолияти давомида чоп этган икки юз элликдан ортиқ китоблари кўргазмаси билан танишдилар, янги китоблардан харид қилдилар.

**Дилдора НУРИМОВА**

